



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

**“МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР Йўналишлари:
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР”**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

НАУЧНО ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

**«ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ
СИСТЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ И
ПЕРЕПОДГОТОВКИ КАДРОВ» SCIENTIFICALLY
PRACTICAL CONFERENCE**

**"PRIORITY DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF
SYSTEM OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT AND
RETRAINING OF PERSONNEL"**

3-ТОМ

Тошкент- 2015 йил

интерфаол методлардан фойдаланиш камлик килади. Биз ўқувчи шахсининг ички оламини ҳисобга олишимиз керак бўлади. Яъни унинг шахсий фикри билан ҳисоблашимиз, ундаги қобилиятларни пайқамогимиз, унинг сўз бойлигини ошиб боришига ижобий таъсир кўрсата олишимиз зарур. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак деган савол ўз-ўзидан тугилиши муқаррар. Наманган муҳандислик-педагогика институти Касб таълими (Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан дарсларда қўлланилаётган қоидалар дарсни самарадорлигини анча оширишини кўрсатди.

Машғулотнинг самарадорлигини ошириш учун амал қилиш мумкин бўлган қоидалар: дарс қолдирмаслик ва кеч қолмаслик, аниқ мақсад қўйиш ва унга эришиш, вақтдан унумли фойдаланиш, фикрни бўлмаслик, эшита олиш, савол бериш маданиятига риоя қилиш, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш, ўзаро ҳурмат, маъсулиятли бўлиш, фаоллик, ижодкорлик ва бунёдкорлик, кайфиятни мўтадил сақлаш, ташкилотчи ва ташаббускор бўлиш, фикрини қиска, аниқ ва раво ифода этиш, ўзаро ҳурмат, хайрихоҳлик, ҳамдардлик, ёрдам кўрсатиш.

Бу қоидалар шахсни юқори маънавиятли, кенг фикрловчи, ижодкор, булиб шаклланишига ёрдам беради, шунингдек ўзгаларни фикрини ҳурмат қилишга ўргатади.

Ўқувчи-талабаларимиз дарс жараёнида шу қоидаларга амал қила олишса ўз фикрларини, гояларини айтишдан чўчишмаса, сергайрат, шижоатли, қалб туйғулари илмда беором бўлса, ўзгаларни фикрини ҳурмат қила олишса дарслар ўз самарасини бериши аниқ. Ҳозирги давр талабидан келиб чиққан ҳолда талабаларни ўз-ўзини тарбиялайдиган, ўзи мустақил изланиб, билимларни эгаллайдиган даражага олиб чиқиш асосий вазифа ҳисобланади.

УМУМТЕХНИКА ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Кт.ўқит. М.У.Якубова, асс-т. Г.Н.Ибрагимова, асс-т Н.Қ.Ражабов, ТошДАУ.

Талабаларга билим беришда замонавий таълим технологияларининг аҳамияти тўғрисида сўз борганда Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор” деган сўзларини таъкидлаш ўришлидир.

Бугунги кунда таълим тизимига ахборот ва коммуникация технологияларининг кириб келиши билим узатилишининг янги шакллари ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бундай шакллардан бири

фанларни электрон таълим захиралари воситасида ўқитишдир. Электрон таълим захиралари воситасида таълим бериш педагогик адабиётларда компьютерли ўқитиш технологияси деб юритилади.

Электрон ўқув-услубий мажмуа воситасидан фойдаланишда талабаларга куйидаги кулай имкониятлар яратилади:

- компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда талабалар катта миқдордаги топшириқларни тез бажаришга улгурадилар, ечимлар ва уларнинг график талқинини таҳлил қилиш учун сарфланадиган вақтни тежайдилар;

- компьютер олдида мустақил иш шаклида машғулот ўтказиш имконини беради;

- талабалар билимлари тез ва самарали назоратдан ўтказилади ҳамда уларга баҳо берилади.

Электрон ўқув-услубий мажмуа – бу муайян бир фаннинг дастурий-услубий комплекси бўлиб, талабага ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришига ёрдам беради ҳамда фаннинг мазмуни ва моҳиятига диққатни жалб этган ҳолда кўп сондаги маълумотларни қараб чиқиш ва кўпроқ амалий машғулотларни бажаришига имкон беради. Электрон ўқув-услубий мажмуа анъанавий ўқитиш услубларини ўрнини боса олмайди, бироқ уларга қўшимча равишда, талабаларнинг адабиётлар, маърузалар матни, мисол ва масалалар тўплами билан самарали ишлашларига замин яратади. Замонавий электрон ўқув-услубий мажмуаларни яратишдан кўзланган мақсад нафақат дарслик ва ўқув қўлланмаларни афзаллик томонларини акс эттириш балки замонавий ахборот технологиялари ва мультимедия имкониятларини ҳам кенг қўллашдан иборатдир.

Электрон ўқув-услубий мажмуа яратиш жараёни бир вақтнинг ўзида яратилаётган дарслик соҳасини ҳамда ахборот технологиялари соҳасини чуқур билишни, "фан маърузачиси" ва "мутахассис-дастурчи" каби 2 та мутахассиснинг ҳамкорликда иш олиб боришини талаб этади.

"Умумтехника фанларини ўқитиш технологияси асослари" фанидан яратилган электрон ўқув-услубий мажмуа юқорида санаб ўтилган талабларни ўзида мужассамлаштирган. Ушбу электрон ўқув-услубий мажмуа талабаларга фанни чуқур ўзлаштиришлари, фаннинг боб ва мавзуларини тез ахтаришлари, мавзулар бўйича саволларга жавоб тайёрлашлари, фан бўйича ўз билимларини тест саволлари ёрдамида синаб боришлари ва адабиётлар билан тез ишлашлари учун имкониятлар яратади. Электрон ўқув-услубий мажмуа мавзулари фаннинг ишчи дастурига мос равишда ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар бир мавзу сўнгида талабаларга ўз-ўзини синаб кўришлари учун саволлар тўплами келтирилган.

Электрон ўқув-услубий мажмуанинг ўзига хос томонларидан бири шундаки, унда иллюстрациялар кўп берилган. Улар машинасозликда аниқликка эришиш усуллари, механик ишлов бериш хатоликлари, технологик тизимнинг бикрлиги, машинасозликда базалаш ва базалар, ўлчам

занжирлари турлари ва уларни ҳисоблаш усуллари, қўйимлар ва уларни ҳисоблаш, технологик жараёнлар вариантларини иқтисодийлигини ҳисоблаш усуллари, йиғиш ва унинг турлари каби мавзуларни яққол тасаввур қилишга имкон беради.

Бундан ташқари аксарият мавзуларда шу мавзуга оид мисоллар ва масалалар келтирилган бўлиб, бу талабаларнинг олган назарий билимлари асосидаги кўникмаларини шаклланишига имкон яратади.

Электрон ўқув-услубий мажмуа охирида талабалар учун топшириқлар тузилган. Улар бу топшириқлар бўйича деталь ва заготовка эскизларини чизишлари, механик ишлов беришда қўйимларни, кесиш режимларини ҳисоблашлари, кесиш ва ўлчаш асбобларини танлашлари ва бошқа ишларни бажаришлари лозим бўлади.

"Умумтехника фанларини ўқитиш технологияси асослари" фанидан яратилган электрон ўқув-услубий мажмуа таркибига қуйидагилар киритилган:

- давлат стандартига мос равишда тузилган қисқа фан дастури, фаннинг асосий мавзулари рўйхати (боблар бўйича) ва иллюстрациялари, фан бўйича саволлар тўплами, тестлар, электрон ўқув-услубий мажмуанинг ахамияти ва долзарблиги;

- фанни чуқур ўзлаштириш учун керак бўладиган бошқа базавий фанлар рўйхати;

- фаннинг структураси (таркиби), уларнинг бир-бири билан функционал ва манткий боғланишлари, бир мавзуда туриб бошқа мавзуларга тез ўтиш имкониятлари ва ҳоказо.

Электрон ўқув-услубий мажмуанинг асосий менюси дизайнига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унда кириш, боблар, саволлар, тест, адабиётлар тўғрисидаги маълумотлар алоҳида тугмачаларга киритилган. Бундан ташқари унда фаннинг номи, машинасозлик соҳаси билан боғлиқ бўлган эмблема ва электрон дарслик деган ёзувлар анимациялар кўринишида акс эттирилган.

Хулоса қилиб айтганда, электрон ўқув-услубий мажмуалар нафақат талабаларнинг мустақил ишлашларига, балки уларнинг янги ахборот коммуникация тизимлари соҳасида ҳам билимларини оширишларига ёрдам беради.

ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИНГ МАШҒУЛОТЛАРИДА АВТОСАД ГРАФИК ДАСТУРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Кт.ўқит. М.У.Якубова, асс-т. Г.Н.Ибрагимова, асс-т Н.Қ.Ражабов, ТошДАУ.

Ҳозирги замонда компьютер технологияларининг жадал ривожланиши ҳаётнинг барча соҳалари каби таълимда ҳам ўз ўрнини топмоқда. Таълимда дарс машғулотларини электрон тренажёр, электрон доска ва видеопроекторлардан фойдаланилган ҳолда ўтиш жуда қўл келмоқда. Бундай дарс машғулотларини ўтказишда электрон қўлланма, дарсликлар ва

24	Абдуллаева С.Р. Об основниъ целис соприелителног преобразованиш	54
25	Азимова М.Б., Шимов Н.Ю. Бунаво мустахидларни шакллантириш ди талабаларнинг мустақил ва пайвий фирмони қобилиятларини ривожлантириши	56
26	Максудова Г.Х., Топишудатова Г.К. КХК даре самараларини оширишди ўқитувчининг ижодий сидашуши	58
27	Носурова К.Н, Халилходжаева Ш.Г. Талаба-ёшларни касбга йўналтиришнинг педагогик ахамияти	60
28	Санатова П.М. Уқувчилар касбий кичиклишларининг шакллантириши.	62
29	Утегенова Г.Т., Утегенова З.Б. Касб хунар коллежларни уқувчи -ёшларни тарбиясида иктисодий ва ижтимоий фаолиятни шакллантириши	63
30	Жўраев Х.Б. Электрон дарслик яратувчи дастурлар характеристикалари	65
31	Холова М.М., Утегенова З.Б. Таълим жараёнида билимларни узлаштиришнинг психологик компонентлари	67
32	Хуррамова Р.И. Еш авлод нуткий маданиятини шакллантиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш	69
33	Абдурахманов Ш.Х., Худайкулов Р.Ф. Техникавий фанларни ўқитишда таълимнинг интерфаол методларидан фойдаланиш.	72
34	Ҳайдаров И.С., Занжирова Х.М. Mathcad дастури мухитидан фойдаланган ҳолда фанлараро боғлиқлигини таъминлаш	75
35	Умрзакова Е.А. Уқувчилар шахсини тарбиялашда ўқитувчи маҳорати	78
36	Eshov A.A. Jo'raev O.Q. Ta'lim sifatini oshirishda o'qituvchining dars shakllarini tashkil etish mahorati	80
37	Носурова К.Н, Халилходжаева Ш.Г. Талаба-ёшларни касбга йўналтиришнинг педагогик ахамияти	82
38	Паринхужаева А.Л. Мирзакулова Н.Ж. Касбий этика ва маданиятга улуғ алломаларнинг қарашлари	84
39	Холова М.Б., Утегенова З.Б. Таълим жараёнида билимларни узлаштиришнинг психологик компонентлари	87
40	Жўраев Х.Б. Гофуров Ж.Х. Касб-хунар коллежларида информатика предметини ўқитишда метапредметни сидашув асослари	89
41	Мирзасев У.С., Абдурахимова Д.Г. Даре самараларининг оширишди таълим технологияларининг ўрни	91
42	Zanjirova X.M., Abduraxmanov F.A. Muammoli ta'limga ilmiy yondashishni shakllantirish.	94
43	Байдуллаев А.С. Холова М.Б. Утенова Ф.С. Даре самараларининг оширишди таълим технологияларининг ўрни	97
44	Якубова М.У., Ибрагимова Г.Н. Ражабов Н.Қ. Умумтехника фанларини ўқитишда электрон ўқув-ўслубий мажмуалардан фойдаланиш	99
45	Якубова М.У., Ибрагимова Г.Н. Ражабов Н.Қ. Чизма геометрия фанининг машғулотларида avtosad график дастуридан фойдаланиш.	101
46	Курганова М. К. Касб-хунар коллежларида чизмачилик таълимининг асосий вазифалари	103
47	Гульметова Г.Х., Исматова Р.Р. Қомусий олимларнинг таълимий-аждокий қарашлари.	107
48	Исломова Н.Х. Баркамол авлодни тарбиялаш — пировард мақсадимиздир	109